



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№3 (956)

2026 йил 23 январь, жума

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Худудларда қурилиш
объектида навбатдаги
мониторинг ишлари
ўтказилди



3

UzBuild

кўргазмаси бу йил
ўзгача руҳда бўлиб ўтади

Глобаллашув шароитида кўргазмалар ва бизнес форумлар оддий тақдимот майдони эмас, балки инвестицияларни жалб қилиш, иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг муҳим стратегик воситасига айланмоқда. Ўзбекистонда ушбу жараёнларнинг етакчи драйверларидан бири бўлиб келаётган Iteca Exhibitions компанияси 2026 йилда ўзининг 31-кўргазма мавсумини бошламоқда.

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

2025 йилда Iteca Exhibitions томонидан 20 та халқаро кўргазма, 4 та форум ва 36 та тематик семинар ташкил этилди. Тадбирларда 55 мамлакатдан 4 300 дан ортиқ компания иштирок

этиб, ташриф буюрувчилар сони эса 101 минг нафардан ошди. 2026 йилда компания микдорий ўсишдан кўра, сифат ва самарадорлигига катта аҳамият қаратмоқда. "O'zeksptomarkaz" ва CAEX Uzbekistan мажмуасида 22 та халқаро кўргазма ва 5 та йирик анжуман ўтказилиши режалаштирилган. Янгиланган форматлар кўргазмаларни нафақат экспозиция, балки стратегик мулоқот ва қарорлар қабул қилиш майдонига айлантирмоқда.

– Iteca Exhibitions компанияси бу йил 22 та халқаро кўргазмани ташкил этади, – деди компания менежери Нодира Хайитбоева. – Бундан ташқари, дастуримиздан бир нечта анжуманлар ҳам ўрин олган. Шу билан бирга, 4 та йирик юбилей кўргазма ҳам ўтказилади. Шунингдек, қурилиш соҳасида бўлиб ўтадиган "UzBuild" кўргазмасида бу йил аввалги йиллардан фарқи ўлароқ 400 дан ортиқ компания иштирок этиши кутилмоқда. Жорий йилда ушбу кўргазмани ўзгача услубда ўтказишни режалаштиряпмиз. Яна бир янгилик, бу йил "Tashkent Water Week" форуми ҳам бўлиб ўтади.

Қурилиш, энергетика, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, логистика ва таълим каби стратегик аҳамиятга эга йўналишларни қамраб олган тадбирлар мамлакат иқтисодий-тининг асосий драйверларини бир нуқтада жамлаб, тармоқлараро интеграцияни кучайтиришга хизмат қилмоқда.



▲ Iteca Exhibitions томонидан ўтказилган тадбирдан лавҳа.



▲ Урганч туманидаги Қумравот маҳалласида қурилаётган "Янги Ўзбекистон" массиви.

Хоразм – бунёдкорликнинг янги босқичида

Ўтган 2025 йил Хоразм вилояти учун инфратузилма ва қурилиш соҳасида катта ўсиш ҳамда янги лойиҳалар йили бўлди. Маҳаллий ва халқаро маблағлар ҳисобидан амалга оширилган ишлар аҳоли ҳаётини яхшилаш, транспорт, ижтимоий объектлар ва саноат инфратузилмасини мустаҳкамлашга қаратилди.

Шаҳноза ҚАЛАНДАРОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Аҳолини уйли-жойли қилиш – бош мақсад

Хусусан, 100 дан ортиқ қорхона Б ва С тоифадаги рейтингга эга бўлди. 7 мингта хонадонли 200 та уй-жой қуриш режалаштирилиб, шундан, "Янги Ўзбекистон" массивларида 2 минг 600 та хонадонли 80 та, ипотека асосида 4 минг 400 та хонадонли 120 та уй-жой фойдаланишга топширилди. Даромади юқори бўлмаган 962 та эҳтиёжманд оиллага 260 миллиард сўмдан ортиқ субсидия маблағлари тўлаб берилди. Шунингдек, бирламчи ва иккиламчи бозордан уй-жой сотиб олиш учун 3 минг 800 дан ортиқ фуқарога 946 миллиард сўм ипотека кредитлари ажратилди. Тижорат банклари томонидан кўп қаватли уй-жой қуриш учун 34 та пулат ташкилотларига 61,4 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди.

Булардан ташқари, ўтган йилда Инвестиция дастури доирасида 128 та объектда 965 милли-

ард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Вилоят бўйича ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини янгилаш бўйича катта лойиҳа бошланди. 101 километрдан ортиқ янги сув ва канализация тармоқлари қурилди. Мазкур инвестициялар айниқса, Урганч, Хива ва Питнак шаҳарларида аҳолининг сув билан узлуксиз таъминланишига хизмат қилмоқда.

Вилоятда, шунингдек, транспорт йўлларини модернизация қилиш бўйича ҳам катта лойиҳалар амалга оширилди. Хоразм ва Қорақалпоғистон худудлари учун мўлжалланган 173,4 миллион АҚШ доллари микдоридаги маблағ ажратилиб, юзлаб километр маҳаллий йўллар янгиланди.

Массивлар сони ортмоқда

Ўтган йилда вилоятимизнинг 7 та туманида 8 та массив барпо этишга киришилган эди. Улар Ал-Хоразмий шаҳарчаси ва "Янги Ўзбекистон" массивларидир. Биргина Ал-Хоразмий шаҳарчасининг ўзида 90 та кўп қаватли уй ва ижтимоий соҳа объекти фойдаланишга топширилди.

– Хоразм вилояти бўйича ўтган йилда 2,5 мингдан ортиқ қурилиш объектида бунёдкорлик ишлари олиб борилди, – деди Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси Дониёр Евбасаров. – Қурилиш ишлари белгиланган талаблар асосида, сифат ва хавфсизликка алоҳида эътибор қаратилган ҳолда амалга оширилиб, биноларда сифатли қурилиш материаллари, базальт иссиқлик изоляцияси қўлланилган. Шунингдек, энергия тежамкорликка алоҳида эътибор берилиб, уйлارга қуёш панеллари ва қуёш коллекторлари ўрнатилди.

Жорий йилда марра янада баланд олинган

Самарқанддаги Қорасув массивида "Agromir building" компанияси томонидан хориж технологияси асосида монолит усулида 12, 14, 16 қаватли тузар жойлар барпо этилмоқда.

Ҳамза ШУКУРОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ўтган вақт мобайнида "Agromir building" компанияси томонидан Қорасувда кўплаб уй-жойлар барпо этилиб, янги хонадонларда яшаш учун ҳамма шароитлар муҳайё қилинди.

Айни пайтда "Янги Ўзбекистон" массивларида 18 та 18 қаватли 2016 хонадонли уй қуриляпти. Шу билан бирга, "Univer Pro Stile" МЧЖ лойиҳаси асосида уйлар атрофида 83-мактаб биноси, мактабгача таълим ташкилоти, савдо ва маиший хизмат объектларини қуриш ҳам режалаштирилган.

– Яна 2 йил ичида 70 та 16 қаватли уй-жой барпо қилиш ниятидамыз, – деди компания директорининг тижорат ишлари бўйича ўринбосари Фаррух Аҳмедов. – Бунинг учун имкониятларимиз етарли. Керакли барча техникаларга эгамиз. 660 нафар ишчи доимо банд. Шуни ҳам айтиш кераки, Самарқанддаги қурилиш-бунёдкорлик ишлари билан бир қаторда Қарши шаҳрида 3 та 16 қаватли тузар жой қуриб, фойдаланишга топширдик. Бу билан 336 та оиланинг янги хонадонга кўчиб киришига имконият яратдик. Булунгур туманидаги "Янги Ўзбекистон" массивида 10 та 5 қаватли 250 хонадонли, Ёйдувон туманидаги "Янги Ўзбекистон" массивида 24 та 5 қаватли уй қуриб, Навоийнинг Кармана ва Қизилтепа туманида кўп квартирали уй-жойлар қуришни ниҳоясига етказдик. Ҳозирда Тойлоқ туманида канализацияни тозалайдиган иншоот қурилишини давом эттиряпмиз. Жиззах вилоятида 12 ва 16 қаватли уйлар барпо этилмоқда.

Қурилиш участкаси бошлиғи Муҳаммаджон Асламовнинг айтишича, қорхона кўплаб ҳомилий ишларини ҳам амалга ошириб келмоқда. Шунингдек, 100 нафардан зиёд ишчининг меҳнати эвазига ер ости автотурагоҳи ҳам барпо этилмоқда.

▼ Самарқанд шаҳри Қорасув массиви худудида қурилаётган кўп қаватли тузар жой бинолари.



uzbunyodkor.uz



info@uzbunyodkor.uz



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkor



uzbunyodkor



Тизимда шаффофликни таъминлаш – асосий вазифамиз

Жасур ФАЙЗИЕВ,
Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи.



Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида коррупциявий омилларни аниқлаш, уларни бартараф этиш ва юзага келаётган муаммоларни ҳал этишда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, вазирликнинг 120 га яқин функция ва вазифалари ўзига хос равишда коррупциявий хавф-хатар даражаси жиҳатдан ўрганиб чиқилиб, коррупция хавфига энг кўп мойил бўлган функциялар юзасидан хавф-хатарлар харитаси ва коррупцион рискларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан, айрим давлат хизматлари кўрсатишни инсон омилисиз амалга ошириш мақсадида Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамасининг I ва II тоифадаги объектларнинг архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини инсон омилисиз лицензиялаш тартибига ўтказиш тўғрисидаги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган. Ҳозирда лойиҳа Вазирлар Маҳкамасига киритилган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат архитектура назоратини амалга оширишнинг янги механизмини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2025 йил 28 мартдаги 192-сон қарорига асосан, ўзбошимчилик билан қурилган бино ва иншоотларни аниқлаш ҳамда бартараф этишда давлат архитектура назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Унга кўра, вазирлик томонидан "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимида ўзбошимчилик билан қурилган бино ва иншоотларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича автоматлаштирилган тизим яратилди. Мазкур тизим Адлия вазирлигининг "Нотариус", Ички ишлар вазирлигининг "Э-маъмурий иш", Олий суднинг "Адолат", Кадастр агентлигининг "ЎзКад" ахборот тизимлари билан интеграция қилинган. Булардан ташқари, "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими доирасида 16 тадан 24 тагача қўшимча давлат хизматлари тўлиқ рақамлаштирилиб, бир қатор платформалар ишга туширилди.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан бирга, Коррупцияга қарши курашиш бўйича "янги тизим" яратиш ва Ўзбекистон Республикаси Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларини Коррупцияга қарши курашиш агентлигига ўтказиш бўйича 17 бандан иборат "ЙЎЛ ХАРИТАСИ" ишлаб чиқилди ва ижрога қаратилган.

Вазирлик томонидан Президентимизнинг 2025 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-270-сон фармони ижросини таъминлаш борасида бир қатор вазифаларни амалга ошириш режалаштирилган.

▼ Коррупцияга қарши курашиш бўйича ўтказилган тадбирдан лавҳа.



КЕЛГУСИДАГИ ВАЗИФАЛАР:

- вазирлик тизимида коррупцияга оид жиноятларнинг олдини олиш ҳамда уларга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни таҳлил қилиш. Уларнинг натижалари юзасидан соҳа ходимлари ўртасида коррупциянинг олдини олишга қаратилган кенгайтирилган учрашувларни ташкил этиб, вазир бошчилигида муҳокама қилиб бориш;
- коррупциявий хавф-хатарлар юқори бўлган лавозимларда фаолият кўрсатувчи ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича кўникмаларни ошириш мақсадида "Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси"нинг электрон платформаси ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг "E-learning" таълим платформасида ўқитиш;
- вакант лавозимларга очик танловларни электрон шаклда ўтказиш ҳамда танловларни онлайн режимда овозли видеотрансляция қилиш, шунингдек, ўтказилган танлов материалларини расмий веб-сайтга қиритиш. Расмий веб-сайтда бўлиш ўринлари ҳақидаги маълумотларни акс эттирувчи алоҳида бўлим очиб ва ҳар ой якуни билан янгиллаб бориш амалиётини жорий этиш;
- маъжуд муаммолар, қонунчиликдаги бўшлиқ ва зиддиятларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиб, Адлия вазирлигига юбориш;
- тизимдаги барча раҳбар ва ходимларнинг молиявий саводхонлигини ошириш. Бу борада ўқув қўлланма тайёрлаш ҳамда етказиш. Ички аудит ва молиявий назорат бўлимлари ходимларини замонавий билим кўникмаларини ошириш ҳамда молиявий хато ва камчиликларни барвақт аниқлаш бўйича ўқув семинарлари ташкил этиш;
- тизимда коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва ўз вақтида аниқлаш мақсадида аҳоли ўртасида турли шаклдаги ижтимоий сўровномалар ўтказиб бориш ҳамда тўпланган маълумотлар таҳлили асосида тизимда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш. Ҳар бир ташкилотда коррупция ҳолатларини аниқлаш борасида очик ёки аноним тарзда ташкилотнинг расмий телеграм мессенжери ёки ижтимоий тармоқларда очилган махсус каналлар, алоқа воситалари орқали ходимлар ва аҳоли ўртасида сўровномалар ташкил этиш.

▼ Урганчдаги «Al-Xorazmiy» шаҳарчаси.



Хоразм – бунёдкорликнинг янги босқичида

→ 1 Массивлар ҳақида гап кетганда, Хонқа туманидаги "Янги Ўзбекистон" массивига алоҳида тўхталиш зарур. Вилоятда биринчилардан бўлиб массив қурилиши ушбу ҳудудда бошланган бўлса, 2025 йил якунига қадар аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида ҳам юқори натижаларга эришилди.

– Хонқа туманида 2025 йилда 20 та кўп қаватли турар жойдан иборат 640 та хонадон қуриш режалаштирилган эди, – деди Хонқа тумани Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси Имомиддин Рўзметов. – Шундан, 640 та хонадоннинг барчасини қуриб фойдаланишга топширдик. Бундан ташқари, Хонқа тумани "Ёш куч" МФИдаги 10 гектар ер майдонида "Янги Ўзбекистон" массиви ҳам ташкил қилинди. Бош режага асосан, 46 та кўп қаватли уй-жой, битта мактаб, битта боғча, алоҳида қозонхона, оқава сув тозалаш иншоотлари қурилиши режалаштирилган бўлиб, ўтган йилда режанинг 90 фоизга яқини удаланди.

Бундан ташқари, бу ерда яратилган шароитни ўз кўзи билан кўрган халқимиз ушбу массивдан хонадон сотиб олишга қизиқиш билдирмоқда. Шу боис, қолаверса, Президентимизнинг тегишли қарорига асосан, "Янги Ўзбекистон" массиви учун яна уч гектар қўшимча ер майдони ажратилди. Бу ерда 16 та 7-9 қаватли уй-жойларда 656 хонадон, 84 та тадбиркорлик объекти, маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари қуриш режалаштирилган. Ҳозирда қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

"Қуёшли хонадон" дастури яхши самара берапти

2030 йилга бориб аҳолиси 40 миллиондан ортадиган Янги Ўзбекистон иқтисодиёти учун зарур бўлган энергиянинг 40 фоизини "яшил энергия" ҳисобидан қоплаш мақсад қилинган. Бу борада аҳоли манфаатдорлигини ошириш учун "Қуёшли хонадон" дастури бошланди. 14 миллиард сўм имтиёзли ресурслар ажратилиб, солиқ имтиёзлари берилди. Шунингдек, эктиёждан ортқича электрни давлат томонидан кафолатли ҳарид қилиш тизими йўлга қўйилди. Бу ўз самарасини бера бошлади. 2025 йилда Хоразмда жами 11 308 та объектга 172,7 мВт қувватга эга қуёш панеллари ўрнатилди. Улар орқали 29,5 миллиард кВт электр энергияси тармоққа чиқарилган.

Бу соҳада яна бир мажмуа – Франциянинг Волталиа компанияси томонидан Тупроққалъа туманида қуёш фотоэлектр станцияси қурилиши амалга оширилди. Лойиҳада 500 нафарга яқин ишчи меҳнат қилиб, улардан 100 нафардан ортиғи хитойлик мутахассислардир. Лойиҳа ишга тушиши натижасида Хоразм вилоятида электр энергияси ишлаб чиқариш қувватлари 30 физга ошиб, 424 мегаваттга етди. Хусусан, Тупроққалъа туманининг электрга бўлган йиллик 135 миллион киловатт соат талаби тўлиқ қондрилди. Энг муҳими, ушбу лойиҳа орқали 76 миллион куб метр табиий газ тежалди, атмосферага 106 минг тонна зарарли моддалар чиқишининг олди олинади.

Янги иншоотлар – ҳудудлар кўрки бўлмоқда

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳридаги Фаровон маҳалласида 14 та кўп қаватли уйнинг ташқи кўриниши янгиланди. Ертўлаларда сантехника ишлари сифатли бажарилди. Кўп қаватли уйлар олдида замонавий автотураргоҳлар барпо этилиб, ички йўллар таъмирланди ва иссиқлик таъминоти, электр қуввати ҳамда газ тармоқлари яхшиланиб, яшил боғлар ташкил этилди. Шунингдек, кўп қаватли уйлар олдида мини футбол, волейбол, баскетбол ва "workout" майдончалари ҳам қуриб берилди.

Элликқалъа туманидаги "Гулистон" ОФИда 2,8 миллиард сўм маблағ эвазига 19-сонли мактаб учун қўшимча синфхоналар, "Бўстон" МФИда "Менинг боғчам" лойиҳаси доирасида 300 ўринли 9,4 миллиард сўмлик мактабгача таълим ташкилоти, "Барҳаёт" МФИда эса умумий қиймати 551,3 миллион сўмга тенг бўлган мактабгача таълим ташкилоти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу маҳаллаларнинг инфратузилмаси қайта кўриб чиқилиб, ички кўчаларга кум-шагал ётқизилди ҳамда савдо тармоқлари қурилди.

Республика бюджетидан ажратилган 3,5 миллиард сўм маблағ ҳисобига Янги Наманган тумани марказий поликлиникасининг 250 ўринга мўлжалланган биноси фойдаланишга топширилди. Замонавий мажмуада даволаниш учун барча шароитлар яратилган. Шунингдек, вилоятнинг Чортоқ туманида мактаб, Норин туманида болалар боғчаси ва яна 3 та маҳалланинг ички кўчалари янгиланганидан аҳоли ҳам мамнун.

Жиззах вилоятининг Фориш туманида Хитойнинг "China State Electrical", "China Electrical Equipment", "CHD" ва "Poly Changdo" компаниялари иштирокида барпо этилган 500 МВт қувватли фотоэлектр станцияси тармоғининг 200 МВт қисми фойдаланишга топширилди.

Сирдарё вилоятининг Боёвут туманидаги "Миришкор" маҳалла фуқаролар йиғинидаги Бирлашган кўчасининг 2,700 метрдан ортқироқ қисми "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси доирасида асфальтланиб, пиёдалар учун алоҳида йўлаклар қурилиб, тунги ёриткичлар ўрнатилди. Шунингдек, Мирзобод туманида ҳам инфратузилмани яхшилаш доирасида болалар учун янги спорт майдончалари қуриб берилди.



► Боёвут шаҳри мнгари.

Яратувчанлик шижоати билан яшаётган Андижон

2025 йилда вилоятда 90 та объектда қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, уларга 750 миллиард 426 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Энё СИРОЖ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бунёдкорлик жараёнларининг энг муҳим йўналишларидан бири таълим соҳасидир. Шу боис, мактаб ва боғчаларни замонавий талаб-

лар асосида янгиллаш, уларда болалар учун муносиб шароит яратиш давлат сиёсатида устувор ўрин тутди. 2025 йилда вилоятда 21 та умумтаълим мактаби ҳамда 11 та мактабгача таълим ташкилоти қурилди.

Тиббиёт соҳасида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари ҳам аҳоли фаровонлигининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтан назардан, ўтган йили вилоятда 4 та соғлиқни сақлаш объектида қурилиш ва таъмирлаш ишларининг амалга оширилиши аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

Албатта, инсон турмушининг сифатини фақат мактаб ёки ши foxона билан ўлчаб бўлмайди. Йўллар, сув таъминоти, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳам кундалик ҳаётда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боис, 8 та



муҳандислик-коммуникация, 7 та йўл-транспорт ҳамда 16 та ирригация ва мелиорация объекларининг амалга оширилиши шаҳар ва қишлоқларда инфратузилмани мустаҳкамлаб, қишлоқ хўжалигида сув таъминотини яхшилашга хизмат қияпти.

Бу жараён жорий йилда ҳам изчил давом эттирилиши режалаштирилган. 2026 йилда 70 та объектда қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, улар учун 562 миллиард 805 миллион сўм маблағ ажратилиши белгиланган. Режалаштирилган объектларнинг асосий қисми яна ижтимоий соҳага тўғри келиб, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳам янгиланади. Шу билан бирга, ирригация, қирғоқ бўйи ҳимоя иншоотлари, ўрмон хўжалиги ва муҳандислик тармоқларига оид объектлар ҳам дастурдан ўрин олган.

Ноқонуний қурилишларга йўл қўйилмайди

Қурилиш соҳасида давлат назорати кучайтирилиб, эндиликда қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун албатта, тегишли рухсатнома олинishi шарт. Рухсатномасиз қурилиш ишларини амалга ошириш таъқиқланади. Қонун талабларига риоя этилмаса, ҳуқуқбузар шахслар жавобгарликка тортилади.

Нигора НОЗИМЖОНОВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 22 октябрдаги қарорига мувофиқ, 2026 йил 24 январдан бошлаб қонун ҳужжатларида “объектни рўйхатдан ўтказиш” атамаси ўрнига “объектга рухсатнома бериш” атамаси қўлланилади. Ноқонуний қурилиш-монтаж ишлари кўпинча атроф-муҳитни инобатга олмасдан амалга оши-

▼ Объектда назорат.



рилади. Бу табиат ва инсонлар учун жуда катта хавф тугдиради. Молиявий зарар ва ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Шунинг учун қурилиш ҳар доим қонуний рухсатнома ва стандартларга мос амалга оширилиши шарт. “Объектни рўйхатдан ўтказиш” атамаси ўрнига “объектга рухсатнома бериш” атамасининг қўлланилиши борасидаги ҳужжат аввало ана шундай хатарларнинг олдини олиш, қурилиш ишлари фақатгина тегишли рухсатнома ва белгиланган тартибда бажарилишини қатъий талаб этади.

Атамаларнинг ўзгартирилиши натижасида қурилиш объеклари қурилиш-монтаж ишларини бошлашдан олдин ҳудудий инспекциялардан рухсатнома олишлари шарт бўлади. Агар пудрат ташкилотлари рухсатнома олмасдан қурилиш-монтаж ишларини бошлаган тақдирда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 99-моддасида кўрсатилган тегишли бандларга асосан жисмоний шахсларга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 баробари, юридик шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баробаригача жарима солишга сабаб бўлади.

Шу пайтгача айрим қурилишларнинг иш жараёни тўсатдан тўхтаб қолган ёки бино бузиб ташланган. Оқибатда агар бу уй-жой билан боғлиқ бўлса, харид учун бошлангич тўловни амалга оширган кўплаб фуқаролар алданиб, молиявий зарар кўриши ва бунинг оқибатида судга мурожаат қилиш каби сарсонгарчиликка дуч келинади. Энди эса бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун барча қулайликлар яратилди. Давлат рўйхатидан ўтган барча қурилиш объеклари паспортларида кодлар шакллантирилиб, уларни сканер қилиш орқали ушбу қурилиш объекти кимга тегишли, қурилиш қачон якунига етказилиши, умуман шаҳарсозлик нормаларига оид барча маълумотларни олиш мумкин бўлади. Бунинг натижасида куп қаватли турар жой, мактаб ёки боғчанинг барча маълумотларини биргина сканер орқали олиш имконияти яратилди. Агар ушбу кодли паспорт объектда мавжуд бўлмаса, у объектга рухсатнома берилмаган бўлади.

Нотўғри қурилиш ер ости сувларини ифлослантиради. Тупроқ ва ер ресурсларининг бузилиши кузатилади ва ҳаттоки инфратузилма, яъни йўл, электр, газ ва сув тармоқларига жиддий зарар етказади. Оқибатда бутун ҳудудда узилишлар ва авариялар кўпайишига олиб келади. Айни жиҳатдан қурилиш соҳасида давлат назорати кучайтирилиб, қатъий чоралар белгиланди.

Пудрат ташкилоти рухсатнома олмасдан қурилиш-монтаж ишларини олиб борган бўлса ва ушбу ҳолат бир йил давомида қайта такрорланган тақдирда Жиноят кодексининг 229-моддаси тегишли бандларига мувофиқ, ҳуқуқбузарга нисбатан 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш чоралари ёки 1 йилдан 3 йилгача озодликдан маҳрум этиш чоралари қўлланилади.

Энди қалбаки рухсатнома, лойиҳа ёки шартномалар иш бермайди. Ҳар қандай қурилишда қонуний рухсатнома, шаффоф шартнома ва экологик талабларга риоя этиш шарт.



Ўзбошимчалик барҳам топди

Фуқаролик ишлари бўйича Беруний туманлараро судининг 2025 йил 23 октябрдаги қарорига асосан, Беруний тумани, Абай номидаги ОФЙ ҳудудида ўзбошимчалик билан қурилган турар жой биноси учун мўлжалланган пойдеворни жавобгар Б.Хнинг ҳисобидан мажбурий буздириш ва ер майдонини яроқли ҳолатга келтириш белгиланган.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ушбу қарор бўйича чиқарилган ижро ҳужжатига асосан Мажбурий ижро бюроси Беруний тумани бўлими томонидан жавобгарга ноқонуний қурилмаларни ўз ҳисобидан бузиши лозимлиги, суд қарори ижросини таъминла-маслик оқибатлари ҳақида бир неча маротаба тушунтириш ва огоҳлантириш берилган. Шунга қарамадан, жавобгар томонидан ноқонуний қурилмалар ихтиёрий равишда бартараф этилмаган. Шу сабабли, ноқонуний қурилма махсус техника ёрдамида мажбурий бузиб ташланди.

Шунингдек, Кадастр агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасининг маълумотларига кўра, Нукус шаҳрида олиб борилган ер назорати ишлари давомида “Жана заман” МФЙ ҳудудида яшовчи фуқаро умумий майдони 89 квадрат метрлик ерни ўзбошимчалик билан эгаллаб, қурилиш ишларини олиб боргани аниқланди. Худди шундай ҳолат “Яшил бог” МФЙ ҳудудида яшовчи фуқаро томонидан ҳам содир этилган. Бунда фуқаро ўзбошимчалик билан, ҳеч қандай ҳужжатларсиз 32 квадрат метр ерда қурилиш ишларини амалга оширган.

Ушбу ҳолатлар бўйича ўзР МЖТКнинг 60-моддаси 3-қисмига асосан, ҳужжатлар расмийлаштирилиб, фуқаролар томонидан ноқонуний қурилмалар бартараф этилди.

▼ Қарши шаҳридаги “Буюк Турон” МФИда ўтказилган мониторинг



5 қаватли уйда қоидабузарлик аниқланди

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан Қарши шаҳридаги “Буюк Турон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган йирик қурилиш объектида навбатдаги мониторинг ишлари ўтказилди.

Дурдона ЭЛМУРОДОВА,
Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси матбуот қотиби.

Текширув жараёнида буюртмачи “Muborak Development Group” МЧЖ ҳамда бош пудратчи “Феруз Имкон Транс” МЧЖ томонидан амалга оширилаётган 5 қаватли турар жой биноси қурилишида бир қатор жиддий қоидабузарликлар аниқланди. Жумладан, объектнинг ижро ҳужжатлари, умумий ишлар журнали ҳамда муаллифлик назорати журналлари белгиланган



тартибда ва ўз вақтида юритилмаган. Шунингдек, қурилишда муҳим аҳамиятта эга бўлган яширин ишларни гувоҳлаш далолатномалари тўлиқ расмийлаштирилмаган. Бу ҳолат келгусида бионининг мустаҳкамлиги ва хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Объектда аниқланган энг жиддий қоидабузарликлардан яна бири – турар жой биносининг 1-қаватида перегородка деворлари терилишида лойиҳа талабларига зид равишда иш олиб борилганидир. Лойиҳа ҳужжатларига

ИНКЛЮЗИВ АРХИТЕКТУРА

Бугунги архитектура ва шаҳарсозлик фақатгина чиройли бино қуриш билан чекланиб қолмайди. У жамиятдаги ҳар бир инсон учун тенг имконият яратишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Яъни ушбу нуктада пайдо бўлган тушунча – инклюзивликдир.

Бобуржон АБДИЛЛАЕВ,
Тошкент архитектура-қурилиш университети таянч докторанти, Архитектура кафедраси ассистенти.

Бу – барча фойдаланувчилар, жумладан, жисмоний имконияти чекланганлар, ёш болалар, ҳомиладор аёллар ва кекса инсонлар учун қўлай муҳит яратиш принципи ҳисобланади. Ўзбекистон шароитида инклюзивлик мавзуси ҳали кенг оммалашмаган, кўплаб қулайликлар эътибордан четда қолмоқда. Шу сабабли, архитектура ва шаҳарсозликда инклюзив ёндашувни жорий этиш масаласи тобора долзарб вазифага айланиб бормоқда.

Инклюзивлик нима?

Инклюзив архитектура – барча инсонларни, уларнинг имкониятларидан қатъи назар, бинолар ва маконлардан фойдаланишини ҳисобга олган дизайн ёндашуви ҳисобланади. Ушбу тамойил XX аср охирилари ғарб мамлакатларида “универсал дизайн” сифатида ривожланган.

Инклюзив дизайн шунчаки тўртбурчак чиқиқлар ёки рампалардан иборат эмас, у инсон омилини марказга қўяди ва ҳар бир фойдаланувчи учун қўлай муҳит яратади. Бундай ёндашув архитектура ва шаҳарсозликда инновацион ечим сифатида қаралади.

Бу нега муҳим?

Ижтимоий тенглик: ҳар бир фуқаро жамият ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш учун.

Қулайлик барча учун: нафақат ногиронлар, балки кекса ёшдагилар, ёш болалилар ҳам фойда олади.

Инклюзив дизайн элементлари:
пандуслар ва рампалар – зинапоялар билан бир қаторда юмшоқ йиғилувчи рампалар ҳам бўлиши керак. Бу аравачадаги одамлар, болалар аравачаси ва кекса инсонлар учун қулайдир; кенг йўлақлар ва эшиклар – ички йўлақлар ва эшикларнинг кенг бўлиши турли имкониятдаги инсонлар учун қўлай ҳаракатланишни таъминлайди; визуал ва тактил белгилар – кўзи ожизлар ёки кўришда нуқсони бор инсонлар учун йўлақларда белгилар бўлишини назарда тутadi; мослаштирилган хоналар – тўсиқларсиз ҳолатхоналар, баландлиги мосланган пульптар ва аудио кўрсатмалар инклюзив муҳитни таъминлайди.
Шаҳарсозлик элементлари:
- кенг пиедалар йўлақлари; - рампалар билан жиҳозланган транспорт бекатлари; - хавфсиз бог ва парк майдонлари.
Бугунги кунда архитекторлар учун асосий вазифа – инклюзивлиكنи лойиҳа босқичидан бошлаб ҳисобга олиш, яъни устувор таркибий ечим сифатида кириштирир.



Шаҳарсозликда инклюзивлилик: турли ёшдаги ҳамда имкониятдаги инсонлар учун қўлай, хавфсиз макон орқали жамиятда барқарорлиكنи таъминлайди.

Хулоса ўрнида шунни айтиш жоизки, инклюзив архитектура ва шаҳарсозлик – бу ҳар бир инсон учун қўлай, хавфсиз ва тенг муҳит яратиш йўлидир. Бугунги глобал тенденциялар бу тамойилни амалда кенг қўллашга ундайди ва

Ўзбекистон ҳам ушбу йўналишда аста-секин олдинга силжимоқда. Аммо бу борадаги жараёни кенгайтириш, мавжуд меъёрий асосларни мустаҳкамлаш ва амалиётда самарали татбиқ этиш учун кўпроқ эътибор, тайёргарлик ва сиёсий ирода талаб қилинади. Шу йўл орқали “эътибордан четда қолган қулайликлар”ни архитектура ва шаҳарсозликда кенг қўллаган ҳолда жамият ҳаётига олиб кириш мумкин.



Ичимлик суви таъминоти яхшиланди

“Тўпаланг” сув омбори манбасидан самарали фойдаланиш бўйича ўтган даврда бир қатор ишлар амалга оширилди.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Жумладан, ҳудуддаги ташландиқ ерлар қайтадан ўзлаштирилди ва Термиз шаҳрига ҳам тоза ичимлик суви муаммоси бартараф этилиб, бир нечта кичик гидроэлектр станциялари қурилди.

Бунёдкорлик ишларини бош пудратчи “To‘ralang HPD Platinum” масъулияти чекланган жамияти жамоаси амалга оширди. Қурувчилар томонидан 245,9 километр масофага сув тармоқлари тортилди ва 8 та ичимлик сув сақлаш

ховузи қуриб битказилди. Дастлабки босқичда Сарисоё, Денов, Шўрчи ҳамда Қумқўргон туманларидаги 35 та маҳаллада яшаётган 135 минг нафар истеъмолчи тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Яна бир йирик лойиҳа – Олтинсой ва Бандихон туманида яшовчи 86 мингдан ортиқ аҳолининг муаммосини бартараф этишга қаратилди. Асосий магистралдан 200 метр қўшимча қувур тортилиб, “Хўжаипок” магистрал тармоғига улангани туфайли яна Қизирик, Шеробод, Ангор ва Музработ туманларидаги 193 минг аҳолини ичимлик суви билан таъминлашга имкон яралди.

Жарқўргон туманидаги марказий сув иншоотида сигими 10 минг метр кубли резервуар қурилди. Бандихон туманидан Термиз шаҳридаги “Шимолий” ва “Мангузар” сув олиш иншоотларига металл қувурлардан 125,1 километр магистрал тармоқ тортилгач, минералларга тўйинган сув Термиз шаҳрининг 29 та маҳалла аҳолисини барқарор таъминлади.

Сунъий интеллект марказлари

қурилиш саноати учун бурилиш нуқтасига айланыпти(ми?)

XXI асрда инфратузилма тушунчаси тубдан ўзгарди. Аввал иқтисодий кудрат портлар, автомобиль йўллари, нефть қувурлари ёки электр станциялари билан ўлчанган бўлса, бугун бу мезонларга яна бир омил қўшилди: ҳисоблаш қуввати.

Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Сунйи интелектел марказлари ва "AI data center"лар ва "AI compute hub"лар замонавий иктисодиётнинг "кўринмас таянч"га айланмоқда. Улар нафақат технологик ривожланиш, балки давлат хавфсизлиги, геосиёсий таъсир ва sanoat рақобатбардошлиги билан бевосита боғлиқ. Бугун курилиш sanoatida AI (Artificial Intelligence) марказлари энг мурраккаб, энг капиталталаб ва айни пайтда энг юқори даромад келтирувчи йўналишлардан бири сифатида қаралмоқда.

Мураккаб жиҳатлари

AI марказини қуриш анъанавий саноат биниси ёки ҳатто классик data center лойиҳасидан кескин фарқ қилади. Бу объектлар архитектурадан кўра, муҳандислик устувор бўлган инфратузилма ҳисобланади.

Биринчиси, дизайн, энергетика, совиштиш ва чип логистикаси бир вақтнинг ўзida халқ қилиш талаб этилади. Ай кластерлари мингглаб юрчи кубватли GPU (График процессор блоку) ва TPU (Тензорлар учун махсус процессорлар)дан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири катта иссиқлик чиқаради. Бу ҳолдагa совиштиш масаласи ёрдамчи эмас, балки марказий муаммога айлана-дими. Ҳаво билан совиштиш кўп ҳолларда етарли эмас. Бу жараёнда суюқлик асосидagi ёки иммерсия совиштиш тизимлари зарур бўлади.

Иккинчидан, электр таъминоти масаласи кескинлашади. AI марказлари доимий ва уз-луксиз юқори қувват талаб қилади. Redundant (захира) электр линиялари, трансформаторлар,



▼ AI маркази.

генераторлар ва автоматик узилишсиз ўтиш тизимлари мажбурий шартга айланади. Ҳар бир сониялик узилиш миллионлаб доллар зарар келтириши мумкин.

Учинчидан, хавфсизлик ва аниқлик даражаси нефтни қайта ишлаш заводи ёки атом объектларига яқинлашди. Қурилиш жараёнида хато қилишга ўрин йўқ; ногўёри жойлаштирилган кабель, кечиккан етказиб бериш ёки мувофиқлаштирилмаган муҳандислик ечими бутун лойиҳани издан чиқариши мумкин. Чунки AI марказлари қурилиш

ши қурилиш саноатини “бинолар қуриш” даражасидан юқори технологик инфратузилма яратиш босқичига олиб чиқмоқда.

Капитал интензивлик ва даромадлилик парадокси

AI марказлари қурилиши йирик миқдордаги инвестицияни талаб қилади. Ер, энергетик

инфратузилма, махсус курилиш материаллари, совитиш тизимлари ва энг муҳими – технолог жиҳозлар умумий қийматни миллиардлаб долларга олиб чиқади. Амортизация даври узоқ, рисклар юқори.

Аммо парадокс шундаки, айнан шу мураккаблар даромаддиликни оширадир. Глобалликмисда А1 компьютерга булган талаб портлаб босқичида. Катта тил моделилари, саноат А1 тизимлари, харбий ва илмий хисобшархлар юкюри куватли марказларсиз мавжуд була олмайди. Таклиф эса чекланган. Битта тулик юкюлган А1 маркази йилига миллиардлар доллар киймат яратиши мумкин. Бу даромад фахат хизмат хақи эмас, балки стратегик позиция хисобига шаклланади: ким хисобшарх куватини назорат килс, у бозорга кириш шартларини ҳам белгилайди. Чунки курилиш рисклари катта булса-да, мукофот ундан ҳам катта ва узок муддатли булиб бормокда.

Энергетика ва ресурслар

Аl маркалари курилишдаги асосий тўсиқ бетон ёки металл эмас, балки электр ва сувдир. Қўлал лойиҳалар айнан энергия таъминоти етишмаслиги сабабли қозғода қолмокда. Электр энергияси қечловлари ривожланган давлатларда ҳам сезилмоқда. Қайта тикланувчи манбалар муҳим роль уйнайди, бироқ уларнинг барқарорлиги муаммо бўлиб қолмокда. Газ тезкор ечим, лекин сиёсий ва экологик risks-ларга эга.

Атом энергияси узоқ мuddатли баркарорликни таъмин этади, бироқ катта капитал ва сиёсий консенсус талаб қилади. Сув ресурслари ҳам кам тилга олинмаган, аммо муҳим омил. Замоновий совишти тизимлари сувга боғлиқ. Бу эса қуруқчилик ҳудудларида Аl марказлари қурилишини сиёсий ва экологик масалалга айлантиради. Энергетик инфратузилмасиз бундай марказлар реал лойиҳа эмас, балки стратегик ҳомаёқ бўлиб қолади.

Янги стратегик актив сифатида

Бугун AI инфратузилмаси портлар, темир-йўллар ва қувурлар қаторига қўйилмоқда. АҚШ, Хитой, Европа Иттифоқи ва Яқин Шарқ давлат-

лари AI марказларини миллий хавфсизлик масаласи сифатида кўра бошлади.

“Compute sovereignty” – ҳисоблаш суверенитети тушунчаси пайдо бўлди. Агар давлат ўзи ҳудудда етарли ҳисоблаш қувватига эга бўлмаса, у технологиялар жиҳатдан бошқаларга боғлиқ бўлиб қолади. Чип экспортга қўйилган чекловлар ва технологиялар блоклар бу инфратузилманинг геосиёсий аҳамиятини янада оширди. Чунки AI маркази энди иқтисодий объект эмас, балки стратегик ресурсдир.

Қурилиш саноати учун янги босқич

AI марказлари қурилиш саноатини тубдан ўзгартирмоқда. Одий бетон, металл ва умуний пудратчилик етарли бўлмай қолди. EPC (Engineering, Procurement, Construction) компаниялардан юқори даражадаги муҳандислик, энергетика ва IT интеграцияси талаб этилмоқда.

Ким тезда мослаша олса, бозорда қолади. Ким эса эски моделда ишлашда давом этса, энг даромадли сегментлардан четда қолади. Бу жараён қурилиш саноатини технологияга янада яқинлаштирмоқда. Чунки А1 марказлари қурилиш бутун саноатнинг малака ва тафаккур даражасини оширишга мажбур қилмоқда.

Риск ва чегаралар

Шу билан бирга, бу пойгада ҳамма ютиб чиқиши шарт эмас. Энергия танқислиги, сиёсий чекловлар, чип етказиб беришдаги узилишлар ва бозор пуфаги эҳтимоли мавжуд. Талаб доимий қоқори бўлиб қоллишига қафолат йўқ. Сабаби AI инфратузилмаси узоқ муддатли стратегия талаб қилади, қисқа муддатли фойда эса нотўғри қарорларга олиб келиши мумкин.

Ай марказлари қурилиши бугунги қурилиш санаотидаги энг мураккаб лойиҳалардан бири бўлиши билан бирга, XXI асрнинг энг даромадли ва стратегик инфратузилмасига айланмоқда. Бу объектлар бетон ва темирдан фарқи улароқ, қўпоқ энергия, сиёсат ва геосиёсий хисоб-ки-тоблар махсулидир. Ким бу мураккабликнинг тўғри бошқара олса, нафақат молиявий фойда қўради, балки келажак технологик тартиботида ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Янги завод узоқни яқинлаштиради

Бухоро вилоятининг Олот туманидаги “Халифа” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда Вазирлар Маҳкамасининг “2019-2023 йилларда Бухоро вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, 2,4 гектар ер майдонда кичик саноат зонаси ташкил этилди.

Зулфизар МАВЛОНОВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.



Заводдаги иш жараёни.




Маҳаллалар бундан ташқари, "Shox Gold Tekstil", "Gulin Melange Tekstil" ва "Olot spinners" каби корхоналар ҳам фаолият юратиди. Мазкур корхоналар юздан ортиқ мутахассисни иш билан таъминлаб, ички ва ташқи бозорда ўз ўрни-ни топиб улгурган. Бироқ бугунги кун иқтисо-диёти маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан фақат мавжуд қувватларни саклаб қолишни эмас, балки техник воситаларни янгилашни ва замо-наввий асбоб-ускуналардан фойдаланишни ҳам талаб қилмоқда.

Айни шу эҳтиёждан келиб чиқиб, бу ерда хитойлик сармоядорлар билан ўрнатилган инвестициявий ҳамкорлик натижасида "Buxohu qurilish injeniring" маъсуляти чекланган жамияти томонидан йирик қувватга эга янги цемент-бетон маҳсулотлари заводи ҳам барпо этилмоқда.

Завод 6 миллиард сўмлик сармоя эвазига энергияни тежовчи ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган технологиялар билан жиҳозланади. Натيجадан сифати махсуслаштирилган қишқариш ҳамда муҳим ресурс тежамокорилик эришиш имконини ҳам беради. Айни кунларда электромонтаж ва соғлаш ишлари олиб бориюмоқда. Завод тўлиқ ишга тушиши билан 20 дан ортиқ турдаги бетон конструкция, жумладан, юқори чидамли таъчч устунлар ва плиталар ишлаб чиқарилади.

Бу эса, Қорақўл, Жондор ва бошқа яқин ту-
манларда олиб борилаётган қурилиш объект-
лариغا зарур бўлган хомашёни яқин худуддан
олиб келиш имконини беради. Қолаверса, мах-
сулотлар нарҳининг арзон бўлишига хизмат
килади. Бундан ташқари, яна 30 нафар фуқаро
бандлиги таъминланади.


 ijtimoiy-iqtisodiy gazeta
**O'zbekiston
bunyodkori**
 Строитель Узбекистана

Тахрир хайъати:
 Шерзоид Хидоятлов (Тахрир хайъати раиси),
 Давронжон Адилов, Тоир Алиматов,
 Озода Жураева, Сирожиддин Эшқувватов,
 Козим Туляганов, Юлдаш Магрупов,
 Бобир Элмуродов, Илҳом Аҳмедов.

Тахририят:
 Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
 Бош муҳаррир ўринбосари –
 Райхона Хўжаева
 Саҳифаловчи – Ақмал Махмадов
 Муассхих – Марҳамат Муслимонқулова

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт
 уйи МЧК томонидан нафрга тайёрланди.

"Ўзбекистон бунёдкори"
Нашриёт уйи МЧК муассислари:
 Ўзбекистон Республикаси
 Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги
 вазирлиги,
 "ЎЗГЎШКЛИТИ" МЧК,
 "Ўзшаҳарсозлиги"ИТИ" ДМ,
 "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧК,
 "ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

Тахририят манзили:
 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси,
 18-уй.

Телефонлар:
 71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-241-01-29,
 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkori.uz

Худудлардаги мухбирлар:
 Қорақалпоғистон Республикаси:
 90-658-50-43.
 Андижон вилояти: 93-410-15-18.
 Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
 Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
 Навоий вилояти: 99-731-17-40.
 Наманган вилояти: 91-365-07-36.
 Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
 Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
 Сурхондарё вилояти: 97-841-30-11.
 Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
 Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
 Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон
 Матбуот ва ахборот агентлигида
 0874-рақам билан рўйхатли олинган.
 Нашр индекси – 466. Буюртма – Г- 141.
 1097 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
 Ҳажми – 2 табиқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
 Тахририятга келган қўлзмағлар тақриз
 қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайди.
 Газета тахририят компьютер марказида
 теришти ва сақияланиди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли
 чоп этилишига "Шарк" нашриёт-матбаа
 акциядорлик компанияси масъул.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри,
 "Буюк Турон" кўчаси, 41.

ЎЗА якуни – Топширилди – 23.00.